

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSс.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**САВРИЕВА ДИЛАФРУЗ ДОУТОВНА**

**ГЛИЦЕРИННИ ТОЗАЛАШ ВА ОҚЛАШ УЧУН МАХАЛЛИЙ  
КЎМИРЛАР АСОСИДА ФАОЛЛАНТИРИЛГАН УГЛЕРОДЛИ  
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Савриева Дилафруз Доутовна**

Глицеринни тозалаш ва оклаш учун маҳаллий кўмирлар асосида  
фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб  
чиқиш.....

3

**Савриева Дилафруз Доутовна**

Технология получения активированных углеродных адсорбентов из  
местных углей для очистки и отбелики глицерина

20

**Savrieva Dilafruz Doutovna**

Technology for producing activated carbon adsorbents from local carbon for  
cleaning and whitening of glycerine.....

37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

41

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSс.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**САВРИЕВА ДИЛАФРУЗ ДОУТОВНА**

**ГЛИЦЕРИННИ ТОЗАЛАШ ВА ОҚЛАШ УЧУН МАХАЛЛИЙ  
КЎМИРЛАР АСОСИДА ФАОЛЛАНТИРИЛГАН УГЛЕРОДЛИ  
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.2.PhD/T.1393 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салиханова Дилноза Саидакбаровна  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Эргашев Ойбек Каримович  
кимё фанлари доктори, доцент

Исабаев Исмоил Бабажонович  
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 22 » июнь 2020 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [iopxanru@mail.ru](mailto:iopxanru@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 8-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. (Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» июнь кунин тарқатилди.  
(2020 йил «18» июнь № 8 - рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

А.С.Тоғашаров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д.

С.А.Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш коллежаси илмий семинар раиси,  
т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда аҳолини сифатли, яъни барча меъёрий талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар билан таъминлаш зарур масала ҳисобланади. Бундай маҳсулотлар турига ёғ-мой корхоналари иккиламчи маҳсулотидан олинган глицерин ҳам киради. Глицерин кўпгина соҳаларда кимё, озиқ-овқат ва фармацевтикада кенг қўлланилади. Аммо унинг сифати талаб меъёрларига жавоб бермайди, уларга адсорбентлар ёрдамида тозалаш орқали эришилади. Шунинг учун маҳаллий хомашёдан маҳсулотларини ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, бозорга хавфсиз ва сифатли маҳсулотларни белгиланган меъёрларда ва ассортиментда етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда фаоллантирилган кўмир адсорбентлари олиш учун хомашё танлаш; фаоллаштиришнинг мақбул шароитларини ва усулларини танлаш бўйича, қуйидаги йўналишларда ечимларни илмий асослаш; фаоллантирилган кўмир адсорбентлар олиш учун энг мақбулини танлаш учун уларнинг кимёвий таркиби ва хусусиятларини аниқлаш; кўмирларни фаоллаштиришда уларнинг таркиби ва хусусиятлари ўзгаришини аниқлаш; фаоллантирилган кўмир адсорбентлари ёрдамида адсорбцион тозалашда глицериннинг физик-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариши ва кинетик қонуниятларни аниқлаш зарур.

Республикада маҳаллий кўмир ва бошқа хомашёлар ёрдамида турли ишлаб чиқариш соҳалари учун танлаб тозаловчи фаоллаштирилган кўмир адсорбентлари ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш борасида назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашёлар асосида глицеринни тозалаш ва оқлаш учун кўмир адсорбенти олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофик бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда кўмирларни олиш, уларни фаоллаштириш ва олинган адсорбентларни қўллаш соҳасига боғлиқ ҳолда коллоид-кимёвий хоссаларини ўзгартириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари мавжуд (Ахмедов К.С, Арипов Э.А., Глекель Ф.Л., Хамраев С.С., Аминов С.Н., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Рахматкариев Г.У., Муминов С.З., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Ризаев Н.У., Гуро В.П., Эшметов И.Д.) кўмирларни (Забрамний Д.Т., Таджиев А.Т., Насритдинов С.Н., Гумаров Р.Х.) физик-кимёвий, коллоид хусусиятларини ўрганиб, уларни бошқарган ҳолда фаоллаштириш ва модификация қилиш ва уларни оқова сувларини ва ишлатилган мойларни тозалашга қаратилган.

Пахта мойлари ва глицеринни адсорбцион усулда оқлаш технологик жараёнларини мукамаллаштириш бўйича (Глушенкова А.И., Абдурахимов С.А., Кадиров Ю.К., Мажидов К.Х, Серкаев Қ.П.) олимлар шуғулланиб келишмоқда. Лекин маҳаллий кўмирлардан олинган углеродли адсорбентларнинг йўқлиги сабабли, асосий технологик жараёнлар хорижий адсорбентларни ишлатишга қаратилган, бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг сифатини пасайишига ва тан нархини ошишига олиб келади.

Бизнинг шароитда маҳаллий кўмирлардан фойдаланиб, олинган адсорбентларни хоссаларини назорат қилиб, танлаш хусусиятига эга углеродли адсорбентлар олиш зарур ҳисобланади. Айтиб ўтиш керакки, юқорида кўрсатилган олимлар томонидан глицеринни адсорбция усулида тозалаш учун маҳаллий кўмирлардан керакли адсорбентлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ҳозирги пайтгача ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017091327 – «Юқори самарали маҳаллий адсорбентлардан фойдаланган ҳолда саноат (ёғ-мой ва бошқалар) оқова сувларни тозалаш» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – маҳаллий Ангрен кўмирлари асосида глицеринни тозалаш учун углеродли адсорбентлар олиш ва уларни қўллаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий кўмирлардан фаоллантирилган углеродли адсорбентлар олиш учун энг мақбулини танлаш учун уларнинг кимёвий таркиби ва хусусиятларини аниқлаш;

кўмирларни фаоллаштиришда уларнинг таркиби ва хусусиятлари ўзгаришини ўрганиш;

танланган маҳаллий хомашёлар асосида фаоллантирилган углеродли адсорбентларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

фаоллантирилган углеродли адсорбентлар ёрдамида тозалашда глицериннинг физик-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариши ва кинетик конуниятларини аниқлаш;

фаоллантирилган кўмир адсорбентлари ёрдамида глицеринни тозалаш технологиясини такомиллаштириш;

Республикаимизнинг ёғ-мой корхоналарида ишлаб чиқариладиган глицеринни тозалаш учун фаоллантирилган углеродли адсорбентларини олиш ва қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ангрен конининг 2БР ва 2БПК маркали кўнғир кўмирлари, бензол, толуол, тозаланган ва тозаланмаган глицерин, фаоллантирилган углеродли адсорбентларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Импорт ўрнини босувчи углеродли адсорбентларини маҳаллий кўмирлардан олиш ва уларни глицеринни оқлаш конуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация бажаришда тадқиқотларнинг физик ва коллоид-кимёвий (адсорбцион, аналитик, ИК-спектроскопия, ГЖХ, ЭПР ва бошқа) тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кўмирнинг кул миқдорини 1,3 мартта камайтирувчи бойитишнинг бўктириш усули ишлаб чиқарилган;

Ангрен конининг 2БР ва 2БПК маркали кўмирларини 400<sup>0</sup>С ҳароратда да 60 минут давомида термик фаоллантириш орқали олинадиган углеродли адсорбентни энг юқори ғовакликка эришиш шароити аниқланган;

«пар-газ» фаоллаштириш ҳароратини ошиб бориш орқали олинаётган адсорбентларнинг ацетон бўйича ғоваклигини 39% дан 51% гача ошиш шароити аниқланган;

адсорбция изотермалари асосида «пар-газ» фаоллаштириш натижасида адсорбентнинг меза ва умумий ғоваклари 2-3 баробар ошиши аниқланган;

олинган углеродли адсорбентлар ёрдамида тозалаш жараёнини мақбул шароитлари, яъни ҳарорат 80<sup>0</sup>С, адсорбент миқдори 0,8% ва давомийлиги 30-40 минутда олиб бориш адсорбент сирт юзасининг глицерин таркибидаги зарарли қўшимчалар билан максимал тўйиниши аниқланган;

1%-ли органик кислота (HNO<sub>3</sub>) билан 5 мартагача регенерация натижасида углеродли адсорбент бошланғич физик-механик ва адсорбцион хусусиятларини йўқотмаслиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ангрен кўмирларини кул миқдорини камайитириш учун уни сув билан бўктириш орқали билан бойитиш технологияси ишлаб чиқилган;

Ангрен кўнғир кўмирлари асосида пиролиз ва «пар-газ» фаоллаштириш усули билан углеродли адсорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

фаоллантирилган углеродли адсорбентлар ёрдамида глицеринни тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

глицеринни тозалаш учун фаоллантирилган углеродли адсорбентларни олиш ва қўллаш учун керакли техник-норматив хужжатлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфазали, визуал-политермик) таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бойитиш, пиролиз ва «пар-газ» фаоллаштириш усулларида олинган импорт ўрнини босувчи углеродли адсорбентлар ёрдамида органик ва ноорганик қўшимчаларни адсорбциялаш қонуниятларини аниқлашдан иборат. Бу эса глицеринни қўшимча моддалардан тозалаш технологиясини такомиллаштиришга тавсия этилаётган углеродли адсорбентларни қўллашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий кўмирлардан фаоллантирилган адсорбентлар олиш учун мўлжалланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, шунингдек Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университетининг ўқув жараёнида қўлланилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Глицеринни тозалаш ва оқлаш учун маҳаллий хомашёлар асосида олинган углеродли адсорбентлари олиш технологиясини яратиш асосида:

глицеринни оқлаш ва тозалаш учун 2БР-ПА маркали кўмир адсорбентлари олиш учун техник шarti (Ts 17088447-04:2019) «Ўзстандарт» агентлиги тамонидан тасдиқланган. Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилишга имкон берган;

Ангрен қўнғир кўмирлари асосида глицеринни тозалаш ва оқлаш учун кўмир адсорбентлари олиш технологияси «Учкурған ёғ» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» Ассоциациясининг 2019 йил 26 сентябрдаги №АА/01-1350-сон маълумотномаси). Натижада глицеринни тозалаш жараёнида қўлланиладиган чет эл кўмир адсорбентларини маҳаллий хомашёлар асосида олинган кўмир адсорбентларига алмаштириш имконини берган;

2БР ва 2БПК маркали кўмирлар асосида дистилланган глицеринни тозалаш ва оқлаш технологияси «Урганч ёғ-мой» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноат» Ассоциациясининг 2019 йил 26 сентябрдаги №АА/01-1350-сон маълумотномаси). Натижада тавсия этилаётган кўмир адсорбентлари ёрдамида дистилляцияланган глицеринни 99,9% гача тозалаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу ишнинг натижалари 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация натижалари бўйича жами 21 та илмий ишлар chop этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, chop этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўмир адсорбентларини олиш ва хом глицеринни тозалашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида кўмир адсорбентларининг олиш технологияси ва қўлланиши, глицериннинг дастлабки ва тозалашдан кейинги таркиби, хоссалари, уларнинг тозалаш усуллари; глицеринни кераксиз қўшимчалардан адсорбцион тозалашнинг илмий-технологик усуллари; адсорбцион тозалаш жараёнларида қўлланиладиган кўмир адсорбентларининг фаоллаштириш ва модификация жараёнлар таъсири адабиётлар таҳлилида батафсил кўриб чиқилган. Адабиётлар таҳлили бу ишнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга имкон берган.

Диссертациянинг «**Дастлабки ва фаоллаштирилган кўмир адсорбентларининг физик-кимёвий ва адсорбцион хоссаларини асосий аниқлаш методикаси ва тадқиқот объектлар**» деб номланган иккинчи бобида Ангрен кўнғир кўмирларининг физик-кимёвий ва физик-адсорбцион хоссалари ва фаоллаштириш усуллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Кўмирларни кул миқдорини ўрганиб, улардан кераклиги танлаб олинган. Ушбу олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.

### **Ангрен кўмирларининг кул таркиби ва намлиги**

Кўмир маркаси	Кул миқдори, %	Намлик, %
2БР	8,8	8,32
2БПК	8,6	9,84
2БОМСШ-Б1	20,2	34,8
2БОМСШ-Б2	19,8	50,7

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2БОМСШ-Б1 ва 2БОМСШ-Б2 маркали товар маҳсулотлари юқори кул миқдорига эга улар адсорбент олишга яроқсиз ҳисобланади. Шу сабабли, углеродли адсорбентлар олиш учун яроқли деб 2БПК ва 2БР маркали кўмирлар танлаб олинди.

Ушбу бобда бундан ташқари термик пиролиз, «пар-газ» фаоллаштириш ускунаси, шунингдек олинган сорбентларнинг адсорбцион хусусиятларини аниқловчи МАК-БЭН Бакра ускунасининг ишлаш принциплари келтирилган.

Диссертациянинг «**Махаллий кўмирлардан фаоллантирилган кўмир адсорбентлари олиш**» деб номланган учинчи бобида махаллий хомашёлар асосида фаоллантирилган углеродли адсорбентларининг олиш усуллари келтирилган.

Бунда кўмирларни кул миқдорини камайитириш мақсадида уларни сув билан бўктириш усулида бойитилди. Бунинг учун кўмир билан сувни 1:2 нисбатда (кўмир : сув) аралаштирилди, 2 соатдан сўнг сувни секинлик билан тўкилиб, идиш тубида кўмир 1см қалинликда қолдириб, кўмири ажратиб олинди. Ажратиб олинган кўмир қуритиш шкафида доимий оғирликкача қуритилади. Кейин кўмирни кул миқдори аниқланди, олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

**Бойитишгача ва бойитишдан сўнг кўмирларнинг кул миқдори**

Кўмир маркаси	Бойитишгача бўлган кул миқдори, %	Бойитишдан сўнг кул миқдори, %
2БР	8,32	6,1
2БПК	9,84	7,3

2-жадвалдан кўриниб турибдики, бойитиш жараёнидан сўнг кўмирнинг кул миқдори ноорганик қисмининг сув билан бўктириш натижасида камайиши аниқланган. Бойитишда кўмир ва сувнинг нисбати 1:2 (кўмир:сув) бўлганда, кўмирнинг кул миқдори 1,3 марта камайиши аниқланган.

Кўмирларни фаоллаштиришнинг бир неча усуллари маълум, масалан: пиролиз, «пар-газ» ва ҳ.з. Лабораторияда махсус қурилган пиролиз қурилмасида танлаб олинган кўмирлар фаоллантирилди. Пиролиз жараёнини турли ҳарорат ва вақт оралиғида ўтказилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, фаоллантиришнинг вақти ва ҳарорати ўзгариши олинган адсорбентларнинг ғоваклигига албатта таъсир қилади. Мисол учун, ҳарорат ошиши билан кўмир таркибидаги смоласимон моддалар эриши натижасида кўмирнинг ғоваклиги камайишини кузатиш мумкин. Энг юқори ғовакликка эришиш учун термик пиролиз жараёнини 2БПК ва 2БР маркали кўмирлар учун 400<sup>0</sup>С ва 60 минут етарли эканлиги аниқланди. Кейинги тадқиқотлар учун ушбу ҳарорат ва вақт мобайнида фаоллантирилган кўмир адсорбентлари қўлланилади.

**Углеродли адсорбентларнинг ғоваклигига ҳарорат ва вақтнинг таъсири**

°C мин	Фаоллантирилган кўмир адсорбентининг ғоваклиги, %				
	200	300	400	500	600
<b>2БР кўмир маркаси</b>					
30	27,2	30,2	32,1	29,4	29,7
60	27,7	31,9	32,9	30,5	29,4
90	28,4	31,8	32,5	31,8	31,2
120	28,1	30,1	30,6	30,6	29,8
<b>2БПК кўмир маркаси</b>					
30	26,2	27,0	28,2	29,2	29,5
60	29,4	31,6	32,8	31,5	31,4
90	28,4	30,8	30,5	30,0	29,2
120	28,1	29,9	30,6	30,6	30,2

Кўмир адсорбентларининг сорбцион хоссаларига таъсир этувчи омиллардан бири бу уларнинг дисперслигидир. Дисперсликнинг филтрланиш тезлигига ва тозаланган глицериннинг кул миқдорига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган. Бунда дастлабки глицериннинг кул миқдори 0,14% ташкил этган. Адсорбцион тозалашни 70 °C да 30 минут давомида олиб борилди.

**Кўмир адсорбенти заррачалари дисперслигининг глицеринни филтрлаш тезлиги ва кул миқдорига боғлиқлиги**

Кўмир дисперслиги, мм	Глицеринни филтрлаш тезлиги, мл/5сек.	Тозаланган глицериннинг кул миқдори, %
1-2	4,8	0,18
2-3	8,6	0,02
3-4	10,3	0,06
4-5	13,6	0,09
5-10	16,5	0,11

4-жадвалдан кўришиб турибдики, 1-2 мм ўлчамга эга кўмирларни оқлаш жараёнида қўллаш глицеринни филтрлаш жараёнига салбий таъсир қилади, шунинг учун энг мақбул ўлчам деб, 2-3 мм ҳисобланади. Бундан дисперсликнинг ошиши филтрлаш тезлигига яхши таъсир кўрсатади, лекин глицериннинг кул миқдорига салбий таъсир этади. 1-2 мм ли ўлчамга эга кўмир адсорбентларни глицеринни тозалашда қўллашда кул миқдорининг ошишига сабаб, филтрлаш жараёнида майда заррачаларни филтрдан ўтиб кетиши ҳисобланади.

Яна бир углеродли адсорбент олиш усуллари бири «пар-газ» фаоллаштириш ҳисобланади.

**(a)**

Терапия	Пористость, %
исходный	39
600C	45
700C	47
800C	51
(хиндистон)	53

**(б)**

Терапия	Зольность, %
исходный	6,3
(хиндистон)	8,7
600C	15,4
700C	18,2
800C	22

**1-расм. «Пар-газ» фаоллаштиришнинг олинаётган адсорбентлар  
ғоваклигига (а) ва кул миқдорига (б) таъсири**

Кўмирнинг кул миқдори ҳам (расм 1б) фаоллаштириш ҳарорати ошиши билан 6,3 дан 22% гача кўпайиши аниқланди. Бунини ҳарарат ошиши билан кўмир таркибидаги аморф углероднинг ёниши, смоласимон моддалар чиқиши ва кўмир умумий массасини 50% га камайиши билан изоҳлаш мумкин. Кўмирнинг ёд моддалардан тозаланиши ҳисобига унинг кул миқдори, яъни ноорганик тузларни ошиши кузатилади. Шу сабабли «пар-газ»

фаоллаштиришнинг энг мақбул ҳарорати қилиб  $800^{\circ}\text{C}$  ва 1-1,5 соат давомида олинган адсорбент энг катта ғовакликка эга бўлиши аниқланади.

Олинган адсорбентларнинг дисперслиги тозалаш жараёнининг асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Олинган намуналар элакларда дисперслигига қараб ажратилди. Адсорбцион тозалаш учун олинган глицериннинг кўрсаткичлари қуйидагича кул миқдори 0,2% ва ранги 20 мг  $\text{J}_2/100\text{см}^3$ . Ушбу натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.


**Адсорбент дисперслигининг тозаланган глицериннинг  
кўрсаткичларига таъсири**

Глицерин кўрсаткичлари	1-2мм	2-3мм	3-4мм	4-5мм
Глицериндаги кул миқдори, %	0.2	0.1	0,35	0.25
Глицеридаги ранги, мг $\text{J}_2/100\text{см}^3$	15	0	10	5

5-жадвалдан кўриниб турибдики, фаоллантирилган углеродли углеродли адсорбентлар ёрдамида тозаланган глицериннинг кул миқдори 0,2% дан 0.01% гача ва ранги эса 20 мг  $\text{J}_2/100\text{см}^3$  дан 0 мг  $\text{J}_2/100\text{см}^3$  га пасайиши аниқланди. Кўмирнинг йирик бўлақлар керакли тозалик даражасигача тозаламаслиги аниқланди. Энг мақбул адсорбентнинг дисперслик даражаси, 2-3 мм бўлиши аниқланган. Таққослаш учун бугунги кунда ёғ-мой корхоналарида ишлатиладиган Хиндистон кўмири қўлланганда кул миқдори 0,19% ва ранги 10 мг  $\text{J}_2/100\text{см}^3$  га тушириши аниқланган.

Кейинги ишларда  $800^{\circ}\text{C}$  да фаоллаштирилган адсорбентларни сорбцион хоссаларини аниқладик. 2БР ва 2БПК маркали кўмирларни сорбцион хусусиятларни юқори вакуумли Мак-Бэн ускунасида  $1,33 \cdot 10^{-3}$  Па ва  $298^{\circ}\text{K}$  да олиб

бордик.



**2-расм. 2БПК маркали кўмирларнинг адсорбция ва десорбция  
изотермалари: 2БПК - дастлабки (1); 2БР-дастлабки (2); 2БПК-ПА (3);  
2БР-ПА (4); Индийский уголь (назорать) (5).**

Пуржинанинг чўзилишини КМ-8 катотометри ёрдамида аниқладик. 2-расмда 2БПК маркали кўмирларнинг адсорбцион ва десорбция изотермалари намойиш этилган.

Фаоллантирилган кўмирларда бензол адсорбция изотермаларидан кўриниб турибдики, барча ҳолатда бензол миқдори ошиб бориб, тўйинишга яқинлашмоқда. Хиндистон кўмирида эса 0 дан  $P/P_s = 0,3$  гача кўтарилиб, кейин адсорбент тўйинганини кўришимиз мумкин. Албатта бензол буғлари адсорбцияси Хиндистон кўмирида бошқа кўмирларга нисбатан кўпроқ бўлиши кўриниб турибди.

Адсорбция изотермаларидан 2БР ва 2БПК кўмир маркаларининг дастлабки ҳолатида тўйиниш адсорбцияси 0,8 ва 1,16 моль/кг ни ташкил этиши аниқланган. Лекин фаоллантирилган кўмир адсорбентларида эса бу кўрсаткич 2 баробар ошганини кўришимиз мумкин, яъни 2,4-3,5 моль/кг. Назорат кўмирида бу кўрсаткич 3,55 моль/кг ташкил этмоқда. Бу яна бир бор фаоллаштириш жараёнини тўғри танланганлигидан далолат беради.

Адсорбция изотермалари асосида кўмир хоссалари аниқланди: яъни сирт юзаси, монослой сифими, адсорбция чегараси БЭТ усули топилди:

$$S = a_m N_A \omega, \quad (1)$$

Бу ерда,  $a_m$  - мономолекуляр қатлам (моль/кг) 1 гр адсорбент ҳисобида,

$N$  - Авогадро сони;

$\omega_0$  - бир молекула эгаллайдиган юза ( $\text{нм}^2$ ).

Олинган натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал.

#### 2БР ва 2БПК маркали дастлабки ва фаоллантирилган кўмирларнинг структура-адсорбцион хоссалари

Намуналар	Моноқават сифими, $a_m$ , моль/кг	Солиштира юзаси, $S \cdot 10^{-3}$ , $\text{м}^2/\text{кг}$	Тўйиниш адсорбцияси $a_s$ , моль/кг
2БР (дастлабки)	0,38	103	1,09
2БПК (дастлабки)	0,45	108	1,16
2БР-ПА	1,9	262	3,24
2БПК-ПА	0,91	220	2,4
Хиндистон кўмири	1,9	459	3,55

Асосий бензол парларининг адсорбцияси монослой сифимида бўлиб, бунда: 2БР (даст.) -35%, 2БПК (даст.)-38,8%, 2БР-ПА-37,9%, 2БПК-ПА-32,8%, Хиндистон кўмирида -53,6%. Лекин энг юқори солиштира юза ( $S$ ) ва тўйиниш адсорбцияси ( $a_s$ ) назорат кўмирида кузатилди.

Танланган кўмирни «пар-газ» фаоллаштириш орқали солиштирма юзасини 2 баробар ошириш мумкинлиги аниқланди. Буни «пар-газ» фаоллаштиришга оралиқ ғоваклар очилиши билан изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган адсорбентлар ёрдамида глицеринни адсорбцион тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқарилган адсорбентлар ёрдамида глицеринни тозалаш жараёнининг тадқиқотлари келтирилган.

Маълумки, физик сорбция жараёни юқори тезликда кетади, лекин молекулаларнинг адсорбент капиллярларига кириши секинлик билан боради. Юзага етгандан сўнг, глицерин кўшимча моддалари адсорбентнинг транспорт каналлари орқали унинг марказига интилиб, бошқа ютилувчи моддаларга жой бўшатади.

Адсорбция жараёнининг оптимал қийматларини топиш учун қуйидаги шароитлар ўрганилди:

- ҳарорат 20 дан 100<sup>0</sup>С, интервал 20<sup>0</sup>С;
- кўмир миқдори 0,1-1,0%, интервал 0;
- фазалар таъсир вақти 10-60 мин, интервал 10 мин;
- аралаштиргич аралаштириш тезлиги 160 об/мин.

Глицерин таркибидаги кул миқдорининг ҳароратга боғлиқлик кенетикаси 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал.

**Адсорбция жараёнини ҳароратининг глицериндаги кул миқдорига таъсири**

ҳарорат, <sup>0</sup> С	Глицериндаги кул миқдор, %		
	2БР маркаси	2БПК маркаси	Хиндистон кўмири (назорат)
20	0,054	0,052	0,055
40	0,039	0,040	0,042
60	0,022	0,028	0,026
80	0,011	0,014	0,013
100	0,012	0,015	0,014

7-жадвалдан кўриниб турибдики, глицериннинг кул миқдори фаоллантирилган 2БР маркали кўмир адсорбентида 2БПК маркали кўмирга нисбатан яхшироқ тозалаши аниқланган. Бунда 50<sup>0</sup>С адсорбция жараёнини ўтказилганда глицериннинг кул миқдори 0,65 дан 0,039% га тушганлиги аниқланган.

Адсорбция ҳароратини аниқлаб олингандан сўнг, фазаларнинг ўзоро таъсирлашиш вақти ва адсорбентнинг оптимал миқдори аниқланди. Бунинг натижасида фазаларнинг таъсирлашиш вақти 30-40 мин ва адсорбентнинг миқдори эса 0,8% эканлиги аниқланди. Бу вақт оралиғида глицерин таркибидаги кўшимча моддалар миқдори энг минимал даражага пасайгани аниқланди. Шундай қилиб, глицеринни адсорбцион тозалаш учун энг

оптималь шароитлари аниқланди, унга кўра: ҳарорат - 80°C; адсорбент миқдори - 0,8% ва адсорбент ва адсорбат таъсир вақти 30-40 мин ташкил қилади.

Адсорбентнинг мустаҳкамлиги регенерация жараёнида энг асосий омиллардан бири бўлиб, у қайта ишлатишда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Регенерация жараёнини қуйидагича ўтказилди: ишлатилган адсорбентларни 1%-ли турли хил органик кислоталар ёрдамида 1:3 нисбатда солиб, 30 минут давомида 30°C ҳароратда 200 об/мин давомида регенерация қилинади. Кейин дистилланган сув билан нейтраллаб, 100-105°C да қуритилади. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган. Бошланғич ишлатилган кўмир адсорбентининг мустаҳкамлиги 2БР-ПА-1,8 МПа, 2БПК-ПА -1,16 МПа га тенг бўлган.

8-жадвал

**Регенерациядан сўнг адсорбентнинг мустаҳкамлигини ўзгариши**

Кўмир маркалари	Эритувчини номи	Регенерациядан сўнг адсорбентнинг мустаҳкамлиги, МПа					
		1	2	3	4	5	6
2БР-ПА	HCl	3,47	3,50	3,54	3,58	3,62	3,65
	HNO <sub>3</sub>	3,58	3,62	3,67	3,75	3,89	3,98
	H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	3,50	3,55	3,61	3,65	3,72	3,75
2БПК-ПА	HCl	3,43	3,48	3,52	3,55	3,62	3,65
	HNO <sub>3</sub>	4,0	4,32	4,35	4,42	4,45	4,55
	H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	3,42	3,50	3,55	3,62	3,7	3,78
Хиндистон кўмири (назорат)	HCl	1,98	2,0	2,1	2,18	2,2	2,25
	HNO <sub>3</sub>	2,15	2,20	2,28	2,3	2,32	2,35
	H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	2,42	2,45	2,5	2,6	2,8	2,95

8-жадвалда органик кислоталар адсорбентнинг регенерациядан сўнг мустаҳкамлигига турлича таъсир этиши кўрсатилган. Бунда 2БР-ПА ва 2БПК-ПА маркали кўмирларни регенерацияси учун азот кислотаси (HNO<sub>3</sub>) тўғри келса, Хиндистон кўмири учун эса сульфат кислота (H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>) тўғри келиши аниқланган.

Шундай қилиб, 5-маротаба регенерациядан сўнг ҳам кўмир адсорбенти ўзининг бошланғич физик-механик ва адсорбцион хусусиятларини йўқотмаслиги аниқланди. Ўрганилган органик кислоталар ичида регенерация жараёни учун энг мақбули 1%-ли нитрат кислота (HNO<sub>3</sub>) эканлиги кўрсатилди. 9-жадвалда регенерация қилинган кўмир адсорбентлари ёрдамида адсорбция қилинган глицериннинг тозалик даражаси кўрсатилган.


9-жадвалдан кўриниб турибдики, 5-марталик регенерациядан сўнг адсорбентнинг фаоллиги ўртача 1% га пасайиши аниқланган. Шунингдек, 2БПК-ПА маркали кўмир адсорбенти регенерациядан сўнг деярли адсорбцион хусусиятларини йўқотмаганлиги аниқланди.



Кўмир маркалари	Адсорбентларни регенерациялашдан сўнг глицеринни тозалаш даражаси, %					
	1	2	3	4	5	6
2БР-ПА	99,7	99,5	99,3	99,2	98,1	98,9
2БК-ПА	99,8	99,7	99,7	99,5	99,3	99,2
Хиндистон кўмири (назорат)	99,6	99,5	99,3	99,2	99,0	98,8

**Диссертациянинг «Махаллий хомашёлардан адсорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва глицеринни тозалашда қўллаш»** деб номланган бешинчи бобида кўмир адсорбентлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва глицеринни тозалаш қўллаш технологиялари ишлаб чиқилган.

2БР ва 2БПК маркали кўмирлар асосида кўмир адсорбентлари олишнинг комплекс технологияси ишлаб чиқилган. Таклиф этилаётган технология 3-расмда келтирилган.



### 3-расм. 2БР ва 2БПК маркали Ангрен кўмирлари асосида кўмир адсорбентлари олишнинг комплекс технологияси

Транспортёр (1) дан кўмир транспортёр-ўлчагичга (2) тушади, кўмир таркибидаги тош, кумдан ажратилиб, (3) реакторга сув билан 1:3 нисбатда бойитиш жараёнини ўтказиш учун тушади. бундан кейин насос (4) орқали майдалагичга (5) га тушади. Майдаланган кўмир (6) транспортёр ёрдамида

ўлчамига қараб, 3 қисмга ажратилади. Биринчи бўлиб (7) транспортёр орқали йирик бўлақлар яна қайтиб (5) майдалагичга қайтарилади. Иккинчидан 4-5 ўлчамли кўмирлар (8) реакторга пар-газ фаоллаштиришга юборилади, фаоллаштиришдан сўнг (9) тайёр маҳсулотлар учун йиғичга йиғилади. Учинчи линия бўйича 2-3 ўлчамли кўмирлар термик фаоллаштириш учун (11) га жўнатилади, тайёр маҳсулот 12 тайёр маҳсулотлар учун йиғичга йиғилади.

Таклиф этилаётган технологиянинг оптимал шарт-шароитлари ишлаб чиқилган ва ҳисоб-китоблар асосида йилига 250 млн. сум.иқтисодий самара олиниши аниқланган.

## ХУЛОСА

1. Импорт ўрнини босувчи фаоллантирилган углеродли адсорбентларни олиш учун Ангрен конининг 2БР ва 2БПК маркали паст куллик кўмирлар танлаб, углеродли адсорбентлар олишга тавсия этилди.

2. Маҳаллий кўмирларни сувли бойитишни 1:2 нисбатда олиб бориш орқали улар таркибидаги кул миқдорини 1,3 мартага камайитиш мумкинлиги ва ушбу жараён углеродли адсорбент олиш учун таклиф этилди.

3. 2БПК ва 2БР маркали кўмирлар ғоваклигини максимал даражада амалга ошириш учун термик фаоллаштиришни  $400^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ва 60 минут давомида амалга ошириш мувофиқлиги кўрсатилди.

4. «Пар-газ» фаоллаштиришда температурани ошириш орыали олинаётган углеродли адсорбент ғоваклиги 39% дан 51% гача ортиши ва у қиймат жиҳатдан (53%) назорат намунасига яқинлиги аниқланди. Бунда кўмирдаги кул миқдори ҳарорат кўтарилиши билан 6,3 дан 22% гача ортиши кузатилди. Буни фаоллаштириш вақти ортиши билан қатрон, аморф углерод ва адсорбцияланган сув ажралиши билан изоҳлаш мумкин, бунинг натижасида эса кўмирнинг ҳажми 50% камайиши кузатилади.

5. «Пар-газ» усули билан фаоллантирилган адсорбент ёрдамида тозаланган глицерин таркибида кул миқдори 0,2% дан 0,04% гача ва ранги 10 мг  $\text{I}_2/100\text{см}^3$  дан 0 мг  $\text{I}_2/100\text{см}^3$  пасайиши кузатилади.

6. Адсорбция изотермалари натижалари асосида микроғоваклар, мезо ва умумий ғоваклар ҳажми 2-3 баробар ошиши, «пар-газ» фаоллаштиришни шароит ва усуллари тўғрилигини кўрсатади.

7. Олинган углеродли адсорбентлар ёрдамида тозалаш жараёнини мақбул шароитлари, яъни ҳарорат  $80^{\circ}\text{C}$ , адсорбент миқдори 0,8% ва давомийлиги 30-40 минутда олиб бориш адсорбент сирт юзасининг глицерин таркибидаги зарарли қўшимчалар билан максимал тўйинишини кўрсатади.

8. 5-маротаба регенерация жараёнидан сўнг ҳам углеродли адсорбентлар бошланғич физик-механик ва адсорбцион хусусиятларини йўқотмаслиги кузатилди. Ишлатилган углеродли адсорбентларни 1-%ли органик кислоталар, яъни  $\text{HNO}_3$  мақсадга мувофиқ бўлиб, бундан сўнг унинг адсорбцион хусусиятлари деярли камаймаслигини кўрсатади.

9. 5-маротаба регенерациядан сўнг, углерод таркибидаги органик кислотада эрувчи ноорганик кул қисмини эритиши натижасида углероли адсорбентнинг мустаҳкамлиги ошишини кўрсатади. Бунда 2БР-ПА ва 2БПК-ПА адсорбентлари регенерацияси учун 1% ли нитрат кислота ( $\text{HNO}_3$ ), Хиндистон кўмир адсорбентлар учун эса сульфат кислота ( $\text{H}_2\text{SO}_4$ ) тўғри келади.

10. Ангрен кўнғир кўмирлари асосида пиролиз ва «пар-газ» фаоллаштириш усули билан углеродли адсорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

11. Фаоллантирилган углеродли адсорбентлар ёрдамида глицеринни тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

12. 2БПК-ПА ва 2БР-ПА адсорбентларини глицеринни тозалашда қўллашдан келадиган иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**САВРИЕВА ДИЛАФРУЗ ДОУТОВНА**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ АКТИВИРОВАННЫХ УГЛЕРОДНЫХ  
АДСОРБЕНТОВ ИЗ МЕСТНЫХ УГЛЕЙ ДЛЯ ОЧИСТКИ И ОТБЕЛКИ  
ГЛИЦЕРИНА**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2020.2.PhD/Т.1393.

Диссертация выполнена в институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)).

Научный руководитель:

Салиханова Дилноза Саядакбаровна  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Эргашев Ойбек Каримович  
доктор химических наук, доцент

Исабаев Исмомил Бабажонович  
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится « 22 » июня 2020 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии. (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [iopxanguz@mail.ru](mailto:iopxanguz@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за № 8). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Автореферат диссертации разослан « 18 » июня 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 8 от « 18 » июня 2020 года).



Закиров Б.С.

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., проф.

А.С.Тогашаров

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, д.т.н.

Абдурахимов С.А.

Президент Научного семинара при  
научном совете по присуждению ученой  
степени, д.т.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мире обеспечение качественной, т.е. отвечающей всем нормам продукцией потребителей считается важной задачей. Одним из таких продуктов является глицерин, получаемый из вторичного сырья масложировых предприятий. Глицерин применяется во многих отраслях химической, пищевой и фармацевтической промышленности. Однако его качество не всегда отвечает требуемым нормам, который можно достичь очисткой адсорбентами. Поэтому стабильное развитие производства продуктов из местного сырья, поставка на рынок безопасных и качественных продуктов по установленным нормам потребления в ассортименте считается одной из главных задач.

В мире необходимо обосновать следующие научные решения, в области получения активированных угольных адсорбентов подбирая сырьё, оптимальные способы и условия активации: выполнение комплекса научных исследований состава и свойств местных подобранных углей с целью подбора из них более эффективных для получения активированных адсорбентов; изучение изменений состава и свойств углей в процессе их активации; исследование кинетических закономерностей и изменения физико-химических показателей глицерина при контактной очистке на активированных угольных адсорбентах.

В республике достигнуты теоретические и практические результаты по разработке получения и применения селективных активированных угольных адсорбентов для различных отраслей производства на основе местных углей и других сырьевых ресурсов с целью импортозамещения. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи по «подъёму промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, к дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска новых видов продукции и технологий»<sup>2</sup>. В этой сфере, в том числе, научные исследования по разработке технологии получения угольных адсорбентов на основе местных углей для очистки и отбеливания глицерина имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В научно-технической литературе имеются результаты проведенных исследований по получению угля, их активации и регулированию коллоидно-химических свойств полученных адсорбентов с учётом области их применения (К.С.Ахмедова, Арипов Э.А., Глекель Ф.Л., Хамраев С.С., Аминов С.Н., Агзамходжаев А.А., Ахмедов У.К., Рахматкариев Г.У., Муминов С.З., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., С.А.Абдурахимов, Эшметов И.Д.), изучению физико-химических, коллоидно-химических свойств углей, их активации и модификации нацеленной на очистку сточных вод и отработанных масел (Забрамный Д.Т., Таджиев А.Т., Насритдинов С.Н., Гумаров Р.Х.).

Ученные (Глушенкова А.И., Абдурахимов С.А., Кадилов Ю.К., Мажидов К.Х., Серкаев К.П.) занимаются совершенствованием технологических процессов отбели и отбелки растительных масел и глицерина адсорбционным способом. Однако, отсутствие адсорбентов, полученных из местных углей, основные технологические процессы приспособлены к использованию импортных угольных адсорбентов, что в свою очередь снижает качество получаемой продукции и повышает его себестоимость.

В наших условиях получение избирательных угольных адсорбентов используя местные угли и контролируя их свойства считается важным. Следует отметить, что со стороны выше перечисленных ученых до сегодняшнего дня не проведены исследования по разработке технологий получения эффективных адсорбентов из местных углей для очистки глицерина.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.**

Диссертационное исследование выполняется в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных проектов Института общей и неорганической химии ПЗ–2017091327 «Разработка инновационной технологии очистки промышленных (масложировой и др.) сточных вод с использованием высокоэффективных местных адсорбентов» (2018-2020 гг.).

**Целью исследования** является совершенствование технологии получения и применения углеродных адсорбентов для очистки глицерина на основе местных Анренских углей.

**Задачи исследования:**

определение свойств и химического состава местных углей с целью оптимального подбора из них для получения активированного углеродного адсорбента;

